ҚҲММБ: 06/20/6099/1450-сон
31.10.2020 й.

O‘ZBEKISTON RESPUBLIKASI PREZIDENTINING
FARMONI

2020 yil « 30 » октябрь №ПФ–6099

Соғлом турмуш тарзини кенг татбиқ этиш ва оммавий спортни янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида

Жаҳонда COVID-19 коронавирус пандемиясининг юзага келиши дунё мамлакатлари қатори Ўзбекистонда ҳам аҳолининг соғлиғи, жисмонан саломатлиги, соғлом ҳаёт кечириш даражаси заиф эканлигини кўрсатди.

COVID-19 коронавирус инфекцияси аввало **юрак-қон томир ва нафас олиш йўллари ҳамда семизлик (ортиқча вазн)** касаллигига чалинган фуқароларимизнинг соғлиғига салбий таъсир кўрсатди. Натижада, бугунги пандемия орамиздан кўплаб фуқароларимизни бевақт дунёдан кўз юмишига сабаб бўлди.

Барчамиз бундан жиддий хулоса қилган ҳолда зарарли одатлардан воз кечиб, оммавий спорт билан доимий шуғулланиш, тўғри овқатланиш тамойилларига риоя қилиш, хусусан таркибида **туз, қанд ва ёғ миқдори кўп бўлган ҳамда хамирли таом ва ширинликларни, нон маҳсулотларини** меъёридан ортиқ истеъмол қилмасликни, бир сўз билан айтганда, **соғлом турмуш тарзини** кундалик ҳаётимизга айлантиришимиз зарур эканлигини бугунги даврнинг ўзи тақозо этмоқда.

Жисмоний тарбия ва оммавий спорт билан мунтазам шуғулланиш ҳамда соғлом турмуш тарзи бўйича ҳаётий кўникмаларни шакллантириш орқали ҳар бир фуқарода касалликка қарши кучли иммун тизими пайдо бўлишини таъминлаш, зарарли одатлардан воз кечиш, тўғри овқатланиш тамойилларига амал қилиш, тиклаш ва реабилитация ишлари ҳамда оммавий жисмоний фаоллик тадбирларини тизимли ва самарали ташкил қилиш, бу борада тегишли инфратузилма ва бошқа зарур шарт-шароитларни яратиш мақсадида:

ҚҲММБ: 06/20/6099/1450-сон
31.10.2020 й.

1. Қуйидагилар **Соғлом турмуш тарзини ҳаётга кенг татбиқ этиш ва оммавий спортни янада ривожлантиришнинг асосий йўналишлари** этиб белгилансин:

ҳар бир оила, маҳалла ва туман (шаҳар)да, мактабгача, умумий ўрта, ўрта махсус, профессионал ва олий таълим муассасаларида ҳамда бошқа ташкилотларда **жисмоний тарбия ва оммавий спорт билан шуғулланишга шарт-шароитлар яратиш**;

оммавий спортни ривожлантириш бўйича оилалар, синфлар, меҳнат жамоалари ва ҳудудлар ўртасида **спорт мусобақаларини мунтазам равишда ўтказиш**;

аҳоли турли гуруҳларининг соғлом овқатланишга бўлган эҳтиёжларини қондиришни таъминлайдиган шарт-шароитлар яратиш, таркибида **туз, қанд ва ёғ миқдори кўп бўлган ҳамда хамирли таом ва ширинликларни, нон маҳсулотларини** истеъмол қилишни қисқартириш, зарарли одатлардан, хусусан, **алкоголь ва тамаки маҳсулотларини** истеъмол қилишдан воз кечиш йўли билан касалликка чалиниш, ортиқча вазн ҳолатлари (семизлик) ва бевақт вафот этишни камайтириш;

аҳоли ўртасида соғлом овқатланиш маданиятини кенг тарғиб қилиш, шу жумладан, тартибсиз ва кечки уйқу олдидан овқатланиш одатларидан воз кечиш;

санитария-гигиена қоидаларига риоя этилишини оилалар, маҳаллалар, мактабгача таълим ва умумтаълим муассасалари даражасида соғлом турмуш тарзининг ажралмас қисми сифатида тарғиб қилиш;

мактабгача таълим, умумтаълим, ўрта махсус, профессионал ва олий таълим муассасаларида, корхона, ташкилот ва бошқа турдаги барча муассасаларда жисмоний тарбия ва спорт билан шуғулланиш учун **замонавий моддий-техника базасини шакллантириш**.

2. Республикада аҳоли ўртасида оммавий спортни ривожлантириш ва соғлом турмуш тарзини тарғиб қилишда – **юриш, югуриш, мини-футбол, велоспорт, бадминтон, стритбол, "Workout"** (маҳалла ва кўча фитнеси) спортнинг устувор турлари этиб белгилансин.

3. Белгилаб қўйилсинки:

юриш, югуриш, мини-футбол, велоспорт, бадминтон, стритбол ва "Workout" спорт турларини оммавийлаштириш ва ривожлантириш дастурларини амалга ошириш учун Давлат бюджетидан 2021 йилдан бошлаб дастурлар тўлиқ бажарилгунга қадар ҳар йили **104 миллиард сўмдан**;

ҚҲММБ: 06/20/6099/1450-сон
31.10.2020 й.

жисмоний имконияти чекланган ва ногиронлиги бўлган шахсларни жисмоний тарбия ва спорт билан шуғулланишга жалб қилишга қаратилган дастурларни молиялаштириш учун Давлат бюджетидан 2021 йилдан бошлаб дастурлар тўлиқ бажарилгунга қадар ҳар йили **10 милиард сўмдан** маблағлар ажратилади.

4. Жисмоний тарбия ва спорт вазирлиги, Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги, Адлия вазирлиги, Соғлиқни сақлаш вазирлиги ва Молия вазирлигининг аҳолини кунлик юриш ва югуришга тарғиб қилиш мақсадида **"Соғлом турмуш тарзи" (www.1hls.uz) платформасини яратиш** тўғрисидаги таклифига розилик берилсин. Бунда:

Ўзбекистон ҳудудида бир сутка давомида **ўн минг ва ундан ортиқ қадам** юрган 18 ва ундан юқори ёшдаги Ўзбекистон Республикаси фуқаросининг платформадаги электрон ҳамёнига **3 минг сўмдан**;

ҳар ойда ҳар бир **туман (шаҳар)** бўйича энг кўп юрган шахсга **300 минг сўмдан**, ҳар бир **ҳудуд** бўйича энг кўп юрган шахсга **500 минг сўм**, **республика** бўйича энг кўп юрган шахсга **1 миллион сўм** қўшимча равишда платформадаги электрон ҳамёнига ўтказилади.

Белгилансинки:

"Соғлом турмуш тарзи" платформасини ишлаб чиқиш ва унга хизмат кўрсатиш ва кейинчалик модернизациялаш бўйича буюртмачининг функциялари Жисмоний тарбия ва спорт вазирлигига юклатилади;

"Соғлом турмуш тарзи" платформаси Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги томонидан IT-парк дирекцияси резидентлари билан биргаликда **2021 йил 1 мартга** қадар Ахборот-коммуникация технологияларини ривожлантириш жамғармаси маблағлари ҳисобидан ишлаб чиқилади ва доимий равишда техник қўллаб-қувватланади.

5. Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари Қурилиш вазирлиги билан биргаликда **2020 йил 15 ноябрга қадар** ҳар бир туман маркази ва шаҳарларда пиёда ва велосипедда юриш учун **"Саломатлик йўлаклари"**ни ташкил этиш бўйича тегишли лойиҳаларни ишлаб чиқиб, кенг жамоатчилик муҳокамасига жойлаштирсин, 2021 йил 1 январдан бошлаб қурилиш ишларини бошласин ва **2021 йил 1 майга қадар** тугатсин.

ҚҲММБ: 06/20/6099/1450-сон
31.10.2020 й.

Бунда, қуйидагилар назарда тутилсин:

пиёдалар ва велосипед йўлакларининг умумий узунлиги **3-5 километрни ташкил этиши ҳамда ўзаро узвий боғлиқ бўлиши**;

замонавий, энерготежамкор (ҳаракат сенсорлари билан жиҳозланган) **ёритиш тизимлари ва ёруғлик қайтарувчи, йўлакларнинг бошланиши, оралиғи ва якунини кўрсатувчи йўл белгилари билан тўлиқ таъминланиши**;

пиёдалар ва велосипед йўлакларини барпо этишда алоҳида ҳаракатланиш имкониятлари яратилиши ҳамда **ногиронлиги бўлган шахслар учун "тўсиқсиз муҳит"** ташкил этилиши.

Иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш вазирлиги Молия вазирлиги билан биргаликда 2021 йил учун инвестиция дастури доирасида марказлашган капитал қўйилмалар ҳисобидан марказий кўчаларни модернизация қилиш учун жами **1,4 триллион сўм** маблағлар ажратилишини таъминласин.

6. Тошкент шаҳар ҳокимлиги 2021 йил давомида босқичма-босқич барча туманларда аҳоли учун қулай бўлган кўчаларда умумий узунлиги **50 километр бўлган пиёда ва велосипедда юриш учун "Саломатлик йўлаклари"ни** ташкил этсин.

Мазкур мақсадлар учун Тикланиш ва тараққиёт жамғармаси Тошкент шаҳар ҳокимлигига 2023-2024 йилларда қайтариш шарти билан **20 миллион АҚШ доллари** миқдорида фоизсиз ссуда ажратсин.

Ушбу тажрибадан келиб чиқиб, **2022 йилдан бошлаб Нукус, Бухоро, Нурафшон, Самарқанд, Термиз, Хива, Шаҳрисабз ва Қўқон шаҳарларида** ҳамда 2023 йилдан бошлаб республиканинг барча йирик шаҳарларида пиёда ва велосипедда юриш учун "Саломатлик йўлаклари" ташкил этилиши таъминлансин.

7. Вазирлар Маҳкамаси **2021 йил 1 июнга қадар** юриш, югуриш, мини-футбол, велоспорт, бадминтон, стритбол ва "Workout" спорт турларини ҳамда паралимпия ҳаракатини ривожлантириш, жисмоний имконияти чекланган ва ногиронлиги бўлган шахсларни жисмоний тарбия ва спорт билан шуғулланишга жалб қилиш, **"Соғлом аёл – буюк келажак"** ғоясини ўзида мужассам этган хотин-қизлар ўртасида соғлом турмуш тарзини мустаҳкамлаш, уларни жисмоний тарбия ва спорт билан оммавий тарзда шуғулланишга жалб қилишга қаратилган чора-тадбирлар дастурларини тасдиқлаш тўғрисида Ҳукумат қарорларини қабул қилсин.

ҚҲММБ: 06/20/6099/1450-сон
31.10.2020 й.

8. Қурилиш вазирлиги **2021 йил 1 январга қадар** Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари билан биргаликда ҳудудларда янгидан барпо этилаётган кўп қаватли турар жойларни қуриш бўйича тасдиқланган амалдаги шаҳарсозлик нормаларига қуйидагиларни назарда тутувчи қўшимча ва ўзгартиришлар киритсин:

аҳоли сони ва уй-жойларнинг жойлашувини инобатга олган ҳолда, шунингдек, ташкилот ва идораларнинг тегишли ҳудудларида велосипед турар жойлари ва замонавий спорт (шу жумладан, Workout) майдончаларини ташкил этиш;

маҳаллалар, қишлоқлар, туманлар ва шаҳарларни боғловчи автомобиль йўллари, пиёда ҳамда велосипед юриши учун мўлжалланган “Саломатлик йўлаклари”ни қуриш;

автомобиль ҳаракати юқори бўлган ва катта йўл кесишмаларида аҳолига қулай ўтиш жойларини барпо этиш.

9. Маҳалла ва оилани қўллаб-қувватлаш вазирлиги, Соғлиқни сақлаш вазирлиги, Жисмоний тарбия ва спорт вазирлиги:

ҳар чоракда ҳар бир туман (шаҳар)да **“Соғлом турмуш тарзи ривожланган маҳалла” танловини** ташкил этсин;

бир ой муддатда танловни ўтказиш тартиби ва баҳолаш мезонларини ишлаб чиқиб, тасдиқласин. Бунда, маҳалла аҳолиси доимий равишда жисмоний тарбия машғулотларига жалб этилиши, соғлом овқатланиш ва соғлом турмуш тарзига риоя этилиши, маҳаллада зарур спорт инфратузилмаси мавжудлиги, ўтказилган мусобақалар сони, маҳалла аҳолисининг касалланиш даражаси пасайиб бориши кўрсаткичлари назарда тутилсин;

“Маҳалла” хайрия жамоат фонди маблағлари ҳисобидан танловда **биринчи ўринни** эгаллаган маҳаллага **10 миллион сўм**, **иккинчи ўрин** учун **5 миллион сўм** ва **учинчи ўринга 3 миллион сўм** миқдорида пул мукофоти билан рағбатлантирилишини таъминласин.

Белгилаб қўйилсинки, пул мукофоти маблағлари маҳалла фуқаролар йиғинларининг тижорат банкида очилган ҳисобрақамига ўтказилади ҳамда маҳаллада спорт майдончаларини ташкил этиш ва уларни жиҳозлаш, спорт тадбирларини ўтказиш мақсадларига истисно тариқасида тендер савдоларисиз йўналтирилади.

ҚҲММБ: 06/20/6099/1450-сон
31.10.2020 й.

10. Бош вазир ўринбосарлари Ж.Қўчқоров ва А.Абдухакимов 2020 йил 1 ноябрга қадар Халқ таълими вазирлиги ҳамда Жисмоний тарбия ва спорт вазирлигининг таклифларига асосан 2021 йилда:

умумтаълим мактабларига **50 та спорт зали қурилиши учун 100 миллиард сўм**;

спорт таълим муассасаларига **48 та спорт иншооти қурилиши учун 400 миллиард сўм** ажратилишини таъминласин ва тармоқ жадвалларини тасдиқласин.

11. Халқ таълими вазирлиги, Жисмоний тарбия ва спорт вазирлиги 2021 йил 10 апрелга қадар 2022-2023 йилларга мўлжалланган умумтаълим мактабларини спорт заллари билан тўлиқ таъминлаш, ҳар бир туман(шаҳар)да моддий-техника базасига эга бўлган болалар ва ўсмирлар спорт мактабларини ҳамда бошқа жисмоний тарбия ва спорт муассасаларининг спорт иншоотларини қуриш ва жиҳозлаш дастурини ишлаб чиқсин ва Вазирлар Маҳкамасига киритсин.

Бунда, келгуси йилларда умумтаълим мактаблари спорт заллари, болалар-ўсмирлар спорт мактаблари ва спорт таълим муассасаларининг спорт иншоотларини қуриш параметрларини сезиларли ошириб борсин.

12. Шундай тартиб ўрнатилсинки, унга мувофиқ давлат органлари ва ташкилотларининг касаба уюшмалари ва иш берувчилар ўртасидаги жамоа шартномаларида:

иш куни давомида ишлаб чиқариш гимнастикаси машқлари;

технология, ишлаб чиқариш ва иш шароитларидан келиб чиқиб, **ходимларга ишлаб чиқариш гимнастикаси машқларини бажариши учун иш вақтига киритиладиган махсус танаффуслар** белгиланади.

13. **2021 йил 1 январдан** барча давлат органлари ва ташкилотларида:

соғлом турмуш тарзи ва оммавий спортни ривожлантириш мақсадида меҳнат жамоаларида фаолият юритаётган ходимга **“Спорт тарғиботчиси”** қўшимча вазифасини юклаш ва унинг базавий лавозим маошига **20 фоиз** миқдорида устама белгилаш йўлга қўйилсин;

иш вақтидан сўнг танланган кунларда (ҳафтада камида бир марта) **раҳбар ва барча ходимларнинг** жисмоний тарбия ва спорт машғулотлари (югуриш, стритбол, футбол, бадминтон, волейбол, баскетбол, стол тенниси, сузиш ва бошқалар) билан шуғулланиши таъминлансин;

ҚҲММБ: 06/20/6099/1450-сон
31.10.2020 й.

ҳар шанба соат 14:00 дан кейин ходимлар ва уларнинг оила аъзолари ўртасида югуриш, стритбол, футбол, бадминтон, волейбол, баскетбол, стол тенниси, сузиш ва бошқа спорт турлари бўйича **оммавий спорт мусобақалари** ташкил этилсин. Бунда, мусобақалар байрамона руҳда, "шоу" кўринишида ўтказилишига, ғолиб ва совриндорлар муносиб рағбатлантирилишига алоҳида эътибор қаратилсин;

меҳнат жамоасининг соғлом турмуш тарзини қўллаб-қувватлаш ва жисмоний фаоллиги даражасини ошириш учун барча зарур шароитларни яратишни (тренажёр зали, "Workout" майдончаси, спорт майдончалари ва хоналари, спорт машғулотлари ва мусобақалари) молиялаштириш давлат органлари ва ташкилотларининг бюджетдан ташқари маблағлари ҳамда қонун ҳужжатларида тақиқланмаган бошқа манбалар ҳисобидан амалга оширилсин;

биринчи раҳбарлар **"Шахсий намуна"** тамойили асосида ўзларининг антропометрик кўрсаткичларини (семизлик даражасини, вазн индексини камайтириш, саломатликни мустаҳкамлаш) яхшилаш орқали ходимларнинг антропометрик кўрсаткичлари яхшиланишига қаратилган чора-тадбирларни амалга оширсин;

веб-сайтлар, ижтимоий тармоқлар, оммавий ахборот воситалари (телевидение, радио, газета, Интернет тармоғи) орқали бу борада амалга оширилаётган ишлар, шунингдек, соғлом турмуш тарзига амал қилишнинг аҳамияти мунтазам равишда ёритиб борилишини таъминласин.

14. Бош вазир ўринбосари А.Абдухакимов Соғлиқни сақлаш вазирлиги, Жисмоний тарбия ва спорт вазирлиги билан биргаликда **2021 йил 1 июлдан бошлаб:**

вазирлик, идора, корхона, ташкилот, маҳаллий давлат ҳокимияти органларида фаолият олиб бораётган раҳбар ва ходимларнинг антропометрик кўрсаткичларини (семизлик даражасини, вазн индексини), бошқа ўткир касалликларни кескин камайтириш, саломатликни мустаҳкамлаш баҳолаш мезонларини ишлаб чиқиб, рейтинг асосида таҳлил қилиш ҳамда натижаларни онлайн кузатиб бориш тизимини;

Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликларининг тегишли ҳудудда оммавий спорт билан шуғулланувчилар сонининг ошишига, соғлом овқатланишига, хусусан, таркибида **туз, қанд ва ёғ миқдори кўп бўлган ҳамда хамирли таом ва ширинликларни, нон маҳсулотларини** истеъмол қилишни қисқартиришга, зарарли одатлардан, **алкоголь ва тамаки маҳсулотларини**

ҚҲММБ: 06/20/6099/1450-сон
31.10.2020 й.

истеъмол қилишдан воз кечиш йўли билан касалликка чалиниш, ортиқча вазн ҳолатлари (семизлик) ва бевақт вафот этиш кўрсаткичлари камайишига қараб ишига баҳо бериш бўйича рейтингини рақамлаштирилган дастур ёрдамида мониторинг қилиш тизимини жорий этсин ҳамда **"Соғлом турмуш тарзи"** платформаси билан интеграция қилинишини таъминласин.

15. Ўзбекистон Республикасининг Олий Мажлиси палаталарига Бош вазир ўринбосари А.Абдухакимов томонидан тақдим этилган **рейтинг кўрсаткичлари асосида**:

рейтинг кўрсаткичлари энг паст бўлган давлат органлари раҳбарларининг фаолиятини ҳар ярим йилликда танқидий муҳокама қилиш;

рейтинг кўрсаткичлари юқори бўлган давлат органлари раҳбарларини рағбатлантириш тизимини жорий этиш тавсия этилсин.

16. Халқ таълими вазирлиги Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, Жисмоний тарбия ва спорт вазирлиги билан биргаликда:

икки ой муддатда умумтаълим, профессионал ва олий таълим муассасаларида дарслар оралиғида (катта танаффус вақтида) **"Спорт дақиқаси"** жисмоний машқлари, дарслар бошланишидан олдин 2 дақиқа нафас олиш машқларини ўтказишни амалиётга жорий этсин;

2021/2022 ўқув йилидан бошлаб ўқувчилар, талабаларнинг ёш тоифасига қараб уларнинг жисмоний кўрсаткичларини (югуриш, отиш, сакраш, тортилиш) баҳолаш мезонларини ишлаб чиқиб, "**Кундалик"** рейтинг дафтарига алоҳида саҳифада киритсин ҳамда ҳар чорак таҳлиллари ва натижалари акс эттирилишини таъминласин.

17. Бош вазир ўринбосари Б.Мусаев Халқ таълими вазирлиги, Молия вазирлиги билан биргаликда умумтаълим мактабларида **2021/2022 ўқув йилидан бошлаб** умумий ўқув соатлари доирасида **жисмоний тарбия фанини барча синфларда ҳафтада 2 соатдан** ўқитишни ташкил этсин.

18. Соғлиқни сақлаш вазирлиги:

а) бир ой муддатда Тиббиёт ходимларининг касбий малакасини ривожлантириш маркази билан биргаликда қишлоқ врачлик пунктлари ва оилавий поликлиникаларнинг врач ва ўрта тиббий ходимларини диетология бўйича тайёрлаш, шу жумладан амалий кўникмаларини шакллантириш бўйича қисқа муддатли курсларни ташкил қилсин;

б) **2021 йил 1 мартга қадар** Жисмоний тарбия ва спорт вазирлиги билан биргаликда ортиқча вазнга эга бўлган шахслар учун ўртача кунлик овқатланиш меъёри ва рациони ҳамда жисмоний машқлар комплексини ишлаб чиқсин ва уни аҳоли орасида доимий тарғиб қилиб борсин;

ҚҲММБ: 06/20/6099/1450-сон
31.10.2020 й.

в) қуйидагиларни:

мактабгача таълим ташкилотларининг тиббиёт ходимлари ҳамда туман (шаҳар) кўп тармоқли марказий поликлиникаларидан умумтаълим мактабларига бириктирилган тиббиёт ходимлари томонидан тарбияланувчилар ва ўқувчилар соғлиғи ва жисмоний камолоти доимий равишда назоратга олинишини, уларнинг санитария-гигиена қоидаларига риоя қилишини, бадантарбия машқлари ўтказишини ва мунтазам равишда спорт билан шуғулланишини, соғлом турмуш тарзи тарғиб қилинишини, даволаш-профилактика тадбирлари ўтказилишини, овқатланиш режими ва сифатига риоя этилишини;

мазкур Фармон талабларидан келиб чиқиб, таркибида **туз, қанд ва ёғ миқдори меъёридан ортиқ бўлган ҳамда хамирли таом ва ширинликлар, нон маҳсулотлари** истеъмолини камайтириш бўйича оилалар ўртасида тарғибот ишларини олиб боришни;

2021 йил 1 мартга қадар тиббиёт ходимлари томонидан болаларнинг соғлиғини инобатга олган ҳолда, жисмоний тарбия билан шуғулланиши устидан назорат ўрнатилишини ва болаларнинг саломатлиги асосида тиббий-соғломлаштириш гуруҳларига ажратилишини ҳамда шунга қараб жисмоний чиниқтириш миқдори белгиланишини таъминласин;

г) Мактабгача таълим вазирлиги, Халқ таълими вазирлиги ва Инновацион ривожланиш вазирлиги билан биргаликда **уч ой муддатда** болаларнинг жисмоний ривожланишини баҳолаш учун рақамлаштирилган дастур ёрдамида мониторинг қилиш тизимини ишлаб чиқсин.

19. Уй-жой коммунал хизмат кўрсатиш вазирлиги Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари билан биргаликда **2025 йилга қадар** ҳудудий ва тегишли тармоқ дастурлари доирасида таълим муассасаларини, хусусан мактабгача таълим, умумтаълим ва спорт муассасаларини тоза ичимлик суви билан таъминлаш чораларини кўрсин.

20. Молия вазирлиги:

Жисмоний тарбия ва спорт вазирлиги томонидан Мактабгача таълим вазирлиги ва Халқ таълими вазирлиги билан биргаликда тасдиқланган рўйхат асосида давлат мактабгача ва умумтаълим муассасаларини бирламчи спорт жиҳозлари ва анжомлари билан таъминлаш харажатлари учун Давлат бюджети параметрларини шакллантиришда зарур маблағларни назарда тутсин, бунда ушбу мақсадлар учун **2021 йилда ҳар бир давлат мактабгача таълим ташкилотига 2 миллион** сўмдан, **умумтаълим муассасасига 5 миллион** сўмдан ажратсин;

ҚҲММБ: 06/20/6099/1450-сон
31.10.2020 й.

2021 йил 1 январга қадар аҳоли саломатлиги учун зарарли бўлган маҳсулотлар ишлаб чиқарувчиларга махсус йиғим жорий этиш ва ушбу тушумларнинг бир қисмини **“Соғлом турмуш тарзи”** платформасини сақлаш харажатларини ҳамда мазкур Фармоннинг 4-бандида назарда тутилган тўловларни молиялаштиришга йўналтириш бўйича таклифларни Вазирлар Маҳкамасига киритсин;

жисмоний тарбия ва спорт муассасаларида марказлашган тартибда рақамли технологияларни жорий этиш, шунингдек барча тизим ташкилотларига ягона электрон дастурий таъминотни яратиш бўйича техник талабларни ишлаб чиқиш учун маблағ ажратсин.

21. Шундай тартиб ўрнатилсинки, унга мувофиқ **2021 йилдан бошлаб** Жисмоний тарбия ва спорт вазирлиги томонидан **“Соғлом турмуш тарзи”** платформасида рўйхатдан ўтган ва ундан фойдаланган жисмоний шахслар сонига ҳамда уларнинг спорт натижаларига қараб вазирлик ва идоралар, маҳаллий давлат ҳокимияти органлари раҳбарларининг **ҳар чорак якуни** бўйича рейтинги тузилади ва улар фаолиятига Вазирлар Маҳкамаси томонидан баҳо берилади.

22. Жисмоний тарбия ва спорт вазирлиги ҳудудларда хусусий тадбиркорлар томонидан барпо этилган спорт иншоотлари базасида давлат-хусусий шериклик шартлари асосида спорт муассасалари фаолиятини йўлга қўйиш ёки давлат спорт муассасалари фаолияти турини ўзгартирмаслик шарти билан уларни хусусийлаштириш бўйича дастур ишлаб чиқиб, **2021 йил 1 мартга қадар** Вазирлар Маҳкамасига киритсин.

Бунда, талаб юқори бўлган спорт турини танлаб олиб, мазкур йўналишдаги муассасаларни Давлат бюджети маблағлари ҳисобидан ташкил этиш, сақлаш ва молиялаштиришни босқичма-босқич қисқартириш, давлат спорт муассасаларининг бўш ер майдонларида спорт майдончалари ва иншоотлари, меҳмонхоналар, спорт кийимлари ва жиҳозларини сотишга мўлжалланган дўконлар, соғлом овқатланиш ва хизмат кўрсатиш шохобчалари, фитобарлар, фитнес марказлари учун бинолар қурилишига рухсат берилишини назарда тутсин.

23. Инновацион ривожланиш вазирлиги **2021 йилдан бошлаб ҳар йили**:

жисмоний тарбия ва спорт соҳасидаги фундаментал, амалий ва инновацион лойиҳалар учун **10 миллиард сўмдан** кам бўлмаган миқдорда грант маблағлари;

ҚҲММБ: 06/20/6099/1450-сон
31.10.2020 й.

жисмоний тарбия ва спорт соҳасида илмий салоҳиятга эга бўлган кадрлар улушини ошириш мақсадида Жисмоний тарбия ва спорт вазирлиги тизимидаги олий таълим муассасаларига таянч докторантура ва докторантура учун камида **10 та** ўрин ажратилишини таъминласин.

24. Жисмоний тарбия ва спорт вазирлиги Фанлар академияси ва Ўзбекистон Полвонлар миллий маркази билан биргаликда **2021 йил 1 сентябрга қадар** республика ҳудудларида экспедиция ташкил қилган ҳолда **миллий спорт турлари ҳамда халқ ўйинлари тарихини ўрганиш асосида "Ўзбекистон Республикаси миллий спорт турлари ва халқ ўйинлари энциклопедияси"ни** тайёрласин ва чоп этсин.

Белгилансинки, "Ўзбекистон Республикаси миллий спорт турлари ва халқ ўйинлари энциклопедияси"ни тайёрлаш ва чоп этиш билан боғлиқ харажатлар Вазирлар Маҳкамасининг захира жамғармаси маблағлари ҳисобидан қопланади.

25. Вазирлар Маҳкамаси уч ой муддатда **туз, қанд ва ёғ миқдори меъёридан ортиқ бўлган озиқ-овқат маҳсулотларининг** рекламасига қуйидаги чекловлар ўрнатишни назарда тутувчи қонун лойиҳасини ишлаб чиқсин:

таълим, соғлиқни сақлаш ва спорт муассасалари ҳудудида ҳамда жамоат транспортида реклама қилиш;

болалар, анимацион персонажлар ва болалар кўрсатувлари қаҳрамонлари иштирокида реклама қилиш;

оммавий ахборот воситаларида болалар учун мўлжалланган кўрсатувлардан 30 дақиқа олдин ва кейин намойиш қилиш.

26. Ўзбекистон Миллий телерадиокомпаниясига Ўзбекистон электрон оммавий ахборот воситалари миллий ассоциацияси, Мактабгача таълим вазирлиги, Халқ таълими вазирлиги, Жисмоний тарбия ва спорт вазирлиги билан биргаликда:

а) мунтазам равишда:

ёшлар, хусусан, боғча ёшидаги болаларда жисмоний тарбия ва спорт тушунчасини пайдо қилиш ва уларни қизиқтириш мақсадида **"Болаликдан спортга"**, **"Тонгги гимнастика"**, умумтаълим мактабларида "**Биз билан бажар, биздек бажар, биздан яхшироқ бажар!**", **"Қувноқ стартлар"** синфлараро, **"Катта ёшдагилар учун аэробика"**, **"Бошланғич йога машғулотлари"**, **"Ортиқча вазндан воз кеч!"** каби спорт машғулотларини ҳамда оилалар ўртасида ўтказиладиган "**Отам, онам ва мен – спортчилар оиласи!**" телевизион спорт мусобақаларини телеканалларда намойиш этиш;

ҚҲММБ: 06/20/6099/1450-сон
31.10.2020 й.

барча телеканаллар, шу жумладан хусусий телеканаллар эфирида **ҳар куни уч марта** (соат 7:00, 12:00 ва 17:00 да) **нуфузли спорт мусобақалари ғолиб ва совриндорлари иштирокидаги 5 дақиқадан иборат оммавий бадантарбия машғулотларини** узатиш;

аёллар ва кексалар учун соғлом турмуш тарзини тарғиб этиш бўйича **"Соғлом турмуш тарзи"** кўрсатувларини намойиш этиш;

б) **2021 йил 1 январдан бошлаб** "Спорт" телеканалида:

давлат органлари ва ташкилотлари, маҳаллий давлат ҳокимияти органлари раҳбарлари ва ходимларининг жисмоний тарбия ва спорт билан шуғулланиши, ходимлар ва уларнинг оила аъзолари ўртасидаги оммавий спорт мусобақаларини, шунингдек мазкур Фармон доирасида ўтказилаётган спорт мусобақаларини доимий равишда ёритиб бориш, аҳоли ўртасида соғлом турмуш тарзини тарғиб қилиш;

давлат органлари ва ташкилотлари, маҳаллий давлат ҳокимияти органлари томонидан мазкур Фармон ижроси асосида олиб борилаётган ишлар, шунингдек уларда фаолият олиб бораётган раҳбар ва ходимлар, аҳолининг антропометрик (семизлик даражасини, вазн индексини), бошқа ўткир касалликларни кескин камайтириш, саломатликни мустаҳкамлаш кўрсаткичлари рейтинги натижаларини ёритиб бориш;

в) мазкур Фармоннинг бажарилиши устидан жамоатчилик назоратини кучайтириш мақсадида барча давлат ва хусусий телеканаллар, ижтимоий тармоқларда ҳамда блогерлар иштирокида танқидий муҳокамалар ташкил қилиш ва ёритиш тавсия этилсин.

27. Соғлом турмуш тарзини кенг татбиқ этиш ва оммавий спортни янада ривожлантириш бўйича "Йўл харитаси" 1-иловага мувофиқ тасдиқлансин.

28. Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар, туман, шаҳар ҳокимликлари, давлат органлари ва ташкилотлари:

ҳар йили 1 декабрга қадар кейинги йил учун йил давомида ўтказиладиган ҳафталик мусобақаларни ўтказиш календарь режасини тасдиқласин;

йиллик харажатлар сметасини шакллантиришда мазкур мақсадлар учун маблағлар ажратилишини назарда тутсин.

29. Жисмоний тарбия ва спорт вазирлиги, Туризмни ривожлантириш давлат қўмитаси, Андижон ва Самарқанд вилоятлари ҳокимликларининг Андижон шаҳридаги марказий стадион номини "**Bobur Arena**", Самарқанд шаҳридаги марказий стадион номини "**Afrosiyob Arena**" деб номлаш тўғрисидаги таклифига розилик берилсин.

ҚҲММБ: 06/20/6099/1450-сон
31.10.2020 й.

Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари Туризмни ривожлантириш давлат қўмитаси, Жисмоний тарбия ва спорт вазирлиги билан биргаликда **икки ой муддатда аҳоли орасида сўров ўтказиш орқали ҳудудлардаги йирик спорт иншоотларига** улар жойлашган ҳудуд хусусиятидан келиб чиқиб, шунингдек **Ўзбекистон тарихи ва спортида ном қолдирган тарихий шахсларнинг номлари** берилишини ташкил этсин.

30. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси ва Сенатининг барча қўмиталар, депутатлар, сенаторлар, сиёсий партиялар фракциялари ўртасида **"Парламент ўйинлари"** спорт мусобақаларини жорий этиш тўғрисидаги таклифи қўллаб-қувватлансин.

31. Вазирлар Маҳкамаси бир ҳафта муддатда соғлом турмуш тарзи ва оммавий спортни янада ривожлантиришга доир Ҳукумат қарорини тасдиқласин.

32. Ўзбекистон Республикаси Президентининг айрим ҳужжатларига 2-иловага мувофиқ ўзгартириш ва қўшимчалар киритилсин.

33. Жисмоний тарбия ва спорт вазирлиги манфаатдор вазирлик ва идоралар билан биргаликда уч ой муддатда қонун ҳужжатларига ушбу Фармондан келиб чиқадиган ўзгартириш ва қўшимчалар тўғрисида Вазирлар Маҳкамасига таклифлар киритсин.

34. Мазкур Фармоннинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Президентининг маслаҳатчиси А.А. Абдувахитов ва Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари А.А. Абдухакимов зиммасига юклансин.

Ўзбекистон Республикаси Президенти **Ш.Мирзиёев**

O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI PREZIDENTI ADMINISTRATSIYASI
KANSELYARIYA
1

Тошкент шаҳри

ҚҲММБ: 06/20/6099/1450-сон
31.10.2020 й.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг
2020 йил 30 октябрдаги ПФ–6099-сон Фармонига
1-илова

Соғлом турмуш тарзини кенг татбиқ этиш ва оммавий спортни янада ривожлантириш бўйича
“Йўл харитаси”

Т/р	Тадбир номи	Амалга ошириш механизми	Ижро муддати	Молиялаштириш манбалари	Масъул ижрочилар
I. Аҳолининг жисмоний тарбия ва оммавий спорт билан шуғулланиши учун шарт-шароитлар яратиш					
1.	Аҳолини кунлик юриш ва югуришга тарғиб қилиш мақсадида “Соғлом турмуш тарзи” платформасини яратиш.	1. “Соғлом турмуш тарзи” платформасини яратиш. 2. “Соғлом турмуш тарзи” платформаси орқали бир сутка давомида ўн минг ва ундан ортиқ қадам юрган шахснинг электрон ҳамёнига 3 минг сўм; бир ойда бир марта туман (шаҳар) бўйича энг кўп юрган шахсга 300 минг сўм, ҳудудлар бўйича энг кўп юрган шахсга 500 минг сўм, республика бўйича энг кўп юрган шахсга 1 млн сўм қўшимча ўтказиш.	2021 йил 1 январь	Ахборот-коммуникация технологияларини ривожлантириш жамғармаси маблағлари Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджети маблағлари	Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги *(Ш.Содиқов)* Жисмоний тарбия ва спорт вазирлиги *(Д.Набиев)*, Молия вазирлиги *(Т.Ишметов)*
2.	Пиёдалар ва велосипед йўлакларини ташкил этиш бўйича тегишли лойиҳаларни ишлаб чиқиш.	1. Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари томонидан пиёдалар ва велосипед йўлакларини ташкил этиш	2021 йил 1 январь	Инвестиция дастури доирасида 1,4 трлн сўм	Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари,

ҚҲММБ: 06/20/6099/1450-сон
31.10.2020 й.

Т/р	Тадбир номи	Амалга ошириш механизми	Ижро муддати	Молиялаштириш манбалари	Масъул ижрочилар
		бўйича тегишли лойиҳаларни ишлаб чиқиш ва кенг жамоатчилик билан муҳокама қилиш. 2. Лойиҳада қуйидагилар назарда тутилади: пиёдалар ва велосипед йўлакларининг умумий узунлиги 3-5 километрни ташкил этиши ҳамда ўзаро узвий боғлиқ бўлиши; замонавий, энергия тежамкор (ҳаракат сенсорлари билан жиҳозланган) ёритиш тизимлари ва ёруғлик қайтарувчи, йўлакларнинг бошланиши, оралиғи ва якунини кўрсатувчи йўл белгилари билан тўлиқ таъминланиши; пиёдалар ва велосипед йўлакларини барпо этишда алоҳида ҳаракатланиш имкониятларини яратиш ҳамда ногиронлиги бўлган шахслар учун “тўсиқсиз муҳит” ташкил этиш. 3. Ҳар бир туман (шаҳар)да аҳоли учун қулай бўлган марказий кўчаларни модернизация қилиш доирасида пиёдалар ва велосипед йўлакларини ташкил этиш.	2021 йил 1 май		Қурилиш вазирлиги *(Б.Зокиров)*
3.	Тошкент шаҳрининг барча туманларида босқичма-босқич аҳоли учун қулай, бўлган умумий узунлиги 50 км бўлган пиёдалар ва велосипед йўлакларини ташкил этиш.	1. Тошкент шаҳрининг барча туманларида аҳоли учун қулай, бўлган умумий узунлиги 50 км бўлган пиёдалар ва велосипед йўлакларини ташкил этиш учун Ўзбекистон Республикаси Тикланиш ва тараққиёт жамғармасидан Тошкент шаҳар ҳокимлигига 2023-2024 йилларда қайтариш шарти билан	2021 йил январь	Ўзбекистон Республикаси Тикланиш ва тараққиёт жамғармаси маблағлари	Тошкент шаҳар ҳокимлиги *(Ж.Артикходжаев)*, Тикланиш ва тараққиёт жамғармаси *(Ш.Вафаев)*, манфаатдор вазирлик ва идоралар

ҚҲММБ: 06/20/6099/1450-сон
31.10.2020 й.

Т/р	Тадбир номи	Амалга ошириш механизми	Ижро муддати	Молиялаштириш манбалари	Масъул ижрочилар
		20 млн АҚШ доллари миқдорида фоизсиз ссуда ажратиш. 2. Ушбу тажрибадан келиб чиқиб, 2022 йилдан бошлаб Нукус, Бухоро, Нурафшон, Самарқанд, Термиз, Хива, Шаҳрисабз ва Қўқон шаҳарларида ҳамда 2023 йилдан бошлаб республиканинг барча йирик шаҳарларида пиёда ва велосипедда юриш учун "Саломатлик йўлаклари"ни ташкил этиш.	2022-2023 йиллар		Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши *(Қ.Салиев)*, Бухоро *(Ф.Умаров)*, Қашқадарё *(З.Мирзаев)*, Самарқанд *(Э.Турдимов)*, Сурхондарё *(Т.Боболов)*, Тошкент *(Р.Холматов)*, Фарғона *(Х.Бозаров)*, Хоразм *(Ф.Эрманов)* вилоятлари ҳокимликлари
4.	Таълим муассасаларида ўқувчиларни соғлом турмуш тарзини юритишга тарғиб этиб бориш.	1. Умумтаълим, профессионал ва олий таълим муассасаларида дарслар оралиғида (катта танаффус вақтида) "Спорт дақиқаси" жисмоний машқлари, дарслар бошланишидан олдин 2 дақиқа нафас олиш машқларини ўтказиш тартибини ишлаб чиқиш ва амалиётга жорий этиш. 2. Ўқувчилар, талабаларнинг ёш тоифасига қараб уларнинг жисмоний кўрсаткичлари (югуриш, отиш, сакраш, тортилиш ва ҳ.к)ни баҳолаш мезонларини ишлаб чиқиш, "Кундалик" рейтинг дафтарига алоҳида саҳифа киритиш ҳамда ҳар чорак таҳлиллари ва натижалари акс эттирилишини таъминлаш.	2020 йил 1 декабрь 2021/2022 ўқув йилидан бошлаб	– Ижрочилар маблағлари	Халқ таълими вазирлиги *(Ш.Шерматов)*, Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги *(И.Мажидов)*, Жисмоний тарбия ва спорт вазирлиги *(Д.Набиев)*, тасарруфида профессионал, олий таълим муассасалари мавжуд вазирлик ва идоралар

ҚҲММБ: 06/20/6099/1450-сон
31.10.2020 й.

Т/р	Тадбир номи	Амалга ошириш механизми	Ижро муддати	Молиялаштириш манбалари	Масъул ижрочилар
5.	Юриш ва югуриш, мини-футбол, велоспорт, бадминтон, стритбол ва “Workout” турларини оммавийлаштириш ва ривожлантириш.	1. “Юриш ва югуриш, мини-футбол, велоспорт, бадминтон, стритбол ва “Workout” турларини оммалаштириш, жисмоний имконияти чекланган ва ногиронлиги бўлган шахсларни жисмоний тарбия ва спорт билан шуғулланишга жалб қилиш ҳамда паралимпия ҳаракатини ривожлантириш, “Соғлом аёл – буюк келажак” ғоясини ўзида мужассам этган хотин-қизлар ўртасида соғлом турмуш тарзини мустаҳкамлаш, уларни жисмоний тарбия ва спорт билан оммавий тарзда шуғулланишга жалб қилишга қаратилган чора-тадбирлар дастурларини тасдиқлаш тўғрисидаги Ҳукумат қарори лойиҳаларини ишлаб чиқиш ва Вазирлар Маҳкамасига киритиш.	2021 йил 1 июнь	–	Жисмоний тарбия ва спорт вазирлиги *(Д.Набиев)*, манфаатдор вазирлик ва идоралар
		2. Юриш, югуриш, мини-футбол, велоспорт, бадминтон, стритбол ва “Workout” спорт турларини оммавийлаштириш ва ривожлантириш дастурларини амалга ошириш учун Давлат бюджетидан 2021 йилдан бошлаб дастурлар тўлиқ бажарилгунга қадар ҳар йили 104 млрд сўмдан; жисмоний имконияти чекланган ва ногиронлиги бўлган шахсларни жисмоний тарбия ва спорт билан шуғулланишга жалб қилишга қаратилган дастурларни молиялаштириш учун Давлат бюджетидан	2021 йил давомида	Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджети маблағлари	Молия вазирлиги *(Т.Ишметов)*

ҚҲММБ: 06/20/6099/1450-сон
31.10.2020 й.

Т/р	Тадбир номи	Амалга ошириш механизми	Ижро муддати	Молиялаштириш манбалари	Масъул ижрочилар
		2021 йилдан бошлаб дастурлар тўлиқ бажарилгунга қадар ҳар йили 10 млрд сўмдан маблағлар ажратиш.			
6.	Давлат органлари ва ташкилотларида соғлом турмуш тарзи ва оммавий спортни ривожлантириб бориш.	1. Давлат органлари ва ташкилотларида: меҳнат жамоаларида фаолият юритаётган ходимга “Спорт тарғиботчиси” қўшимча вазифасини юклаш ва унинг базавий лавозим маошига қўшимча 20 фоиз миқдорида устама белгилашни йўлга қўйиш; иш вақтидан сўнг танланган кунларда (ҳафтада камида бир марта) барча вазирликлар, идоралар, корхона ва ташкилотлар, маҳаллий давлат органларининг раҳбарлари ва барча ходимлари жисмоний тарбия ва спорт машғулотлари (югуриш, сузиш, футбол, бадминтон, волейбол, баскетбол, стритбол, стол тенниси ва бошқалар) билан шуғулланишини таъминлаш; ҳар шанба куни соат 14:00 дан сўнг ходимлар ва уларнинг оила аъзолари ўртасида югуриш, сузиш, футбол, бадминтон, волейбол, баскетбол, стритбол, стол тенниси ва бошқа спорт турлари бўйича оммавий спорт мусобақалари ташкил этиш. Бунда, мусобақаларнинг байрамона руҳда, шоу кўринишида ўтказилишига, ғолиб ва совриндорларнинг муносиб рағбатлантирилишига алоҳида эътибор қаратиш.	2021 йил 1 январдан бошлаб, доимий	Ижрочиларнинг бюджетдан ташқари маблағлари ва қонун ҳужжатларида тақиқланмаган бошқа манбалар	Давлат органлари ва ташкилотлари

ҚҲММБ: 06/20/6099/1450-сон
31.10.2020 й.

Т/р	Тадбир номи	Амалга ошириш механизми	Ижро муддати	Молиялаштириш манбалари	Масъул ижрочилар
		2. Давлат органлари ва ташкилотларнинг бюджетдан ташқари маблағлари ва қонун ҳужжатларида тақиқланмаган бошқа манбалар ҳисобидан меҳнат жамоасининг соғлом турмуш тарзини қўллаб-қувватлаш ва жисмоний фаоллиги даражасини ошириш учун барча зарур шароитларни яратиш (тренажер зали, “Workout” майдончаси, спорт майдончалари ва хоналари). 3. Вазирликлар, идоралар, корхона ва ташкилотлар, маҳаллий давлат органларининг биринчи раҳбарлари “Шахсий намуна” тамойили асосида ўзларининг антропометрик кўрсаткичларини (семизлик даражасини, вазн индексини камайтириш, саломатликни мустаҳкамлаш ва ҳ.к.) яхшилаши орқали ходимларнинг антропометрик кўрсаткичларини яхшилашга қаратилган чора-тадбирларни амалга ошириш; давлат органлари ва ташкилотларининг веб-сайтлари, ижтимоий тармоқлари, оммавий ахборот воситаларида (телевидение, радио, газета, Интернет тармоғи) бу борада амалга оширилаётган ишларни, шунингдек, соғлом турмуш тарзига амал қилишни мунтазам равишда (ҳар куни) ёритиб боришни таъминлаш.			

ҚҲММБ: 06/20/6099/1450-сон
31.10.2020 й.

Т/р	Тадбир номи	Амалга ошириш механизми	Ижро муддати	Молиялаштириш манбалари	Масъул ижрочилар
7.	Ҳудудларда хусусий тадбиркорлар томонидан барпо этилган спорт иншоотларидан самарали фойдаланишни ташкил этиш.	Ҳудудларда хусусий тадбиркорлар томонидан барпо этилган спорт иншоотлари базасида давлат-хусусий шериклик шартлари асосида спорт муассасалари фаолиятини йўлга қўйиш ёки давлат спорт муассасалари фаолият турини ўзгартирмаслик шарти билан уларни хусусийлаштириш бўйича дастур ишлаб чиқиб, Вазирлар Маҳкамасига киритиш. Бунда, талаб юқори бўлган спорт турини танлаб олиб, мазкур йўналишдаги муассасаларни давлат бюджети маблағлари ҳисобидан ташкил этиш, сақлаш ва молиялаштиришни босқичма-босқич қисқартириш, давлат спорт муассасаларининг бўш ер майдонларида спорт майдончалари ва иншоотлари, меҳмонхоналар, спорт кийимлари ва жиҳозларини сотишга мўлжалланган дўконлар, соғлом овқатланиш ва хизмат кўрсатиш шохобчалари, фитобарлар, фитнес марказлари учун бинолар қурилишига рухсат берилишини назарда тутиш.	2021 йил 1 июнь	-	Жисмоний тарбия ва спорт вазирлиги *(Д.Набиев)*, Молия вазирлиги *(Т.Ишметов)*, манфаатдор вазирлик ва идоралар
II. Оммавий спортни ривожлантириш бўйича аҳоли орасида, хусусан, ёшлар, аёллар, кексалар ўртасида спорт мусобақалари ва танловларини ташкил этиш					
8.	Ходимлар ўртасида мусобақаларнинг тизимли	1. Кейинги йил учун йил давомида ўтказиладиган ҳафталик мусобақаларни ўтказиш календарь режасини тасдиқлаш.	Ҳар йили 1 декабрь	Ижрочилар маблағлари ҳисобидан	Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши,

ҚҲММБ: 06/20/6099/1450-сон
31.10.2020 й.

Т/р	Тадбир номи	Амалга ошириш механизми	Ижро муддати	Молиялаштириш манбалари	Масъул ижрочилар
	ўтказилишини ташкил этиш.	2. Йиллик харажатлар сметасини шакллантиришда мазкур мақсадлар учун маблағ ажратилишини назарда тутиш.			вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари
9.	Давлат органлари ва ташкилотлари ходимлари ўртасида оммавий спорт турлари ва соғлом турмуш тарзини тарғиб қилиш.	Давлат органлари ва ташкилотларининг касаба уюшмалари ва иш берувчилар ўртасидаги жамоа шартномаларида: иш куни давомида ишлаб чиқариш гимнастикаси машқлари; технология, ишлаб чиқариш ва иш шароитларидан келиб чиқиб, ходимларга ишлаб чиқариш гимнастикаси машқларини бажариши учун иш вақтига киритиладиган махсус танаффусларни белгилаш.	2021 йил 1 январдан бошлаб	-	Давлат органлари ва ташкилотлари
10.	Ёшлар орасида спортни оммалаштириш, мактабларда жисмоний тарбия соатларини ошириб бориш.	Умумтаълим мактабларида 2021/2022 ўқув йилидан бошлаб умумий ўқув соатлари доирасида жисмоний тарбия фанини барча синфларда ҳафтада 2 соатдан ўқитишни ташкил этиш	2021 йил сентябрь	Республика бюджети маблағлари	Халқ таълими вазирлиги *(Ш.Шерматов)*, Молия вазирлиги *(Т.Ишметов)*, манфаатдор вазирлик ва идоралар
11.	Барча туман (шаҳар)лардаги ҳар бир маҳалла фуқаролар йиғинида спорт йўналишида танловлар ташкил этиш.	1. Барча туман (шаҳар)лардаги ҳар бир маҳалла фуқаролар йиғинида “Соғлом турмуш тарзи ривожланган маҳалла” танловини ташкил этиш. 2. Танловни ўтказиш тартиби ва баҳолаш мезонларини ишлаб чиқиб, тасдиқлаш. Бунда, маҳалла аҳолисининг доимий равишда жисмоний тарбия машғулотларига	Ҳар чоракда 2020 йил декабрь	–	Маҳалла ва оилани қўллаб-қувватлаш вазирлиги *(Р.Маматов)*, Соғлиқни сақлаш вазирлиги *(А.Шадманов)*, Жисмоний тарбия

ҚҲММБ: 06/20/6099/1450-сон
31.10.2020 й.

Т/р	Тадбир номи	Амалга ошириш механизми	Ижро муддати	Молиялаштириш манбалари	Масъул ижрочилар
		жалб этилиши, соғлом овқатланиши ва соғлом ҳаёт тарзига риоя этиши, маҳаллада зарур спорт инфратузилмаси мавжудлиги, ўтказилган мусобақалар сони, маҳалла аҳолисининг касалланиш даражаси пасайиб боришини; танловда биринчи ўринни эгаллаган маҳалла 10 млн сўм, иккинчи ўрин учун 5 млн сўм ва учинчи ўринга 3 млн сўм миқдорида пул мукофоти билан рағбатлантирилишини назарда тутиш. 3. Пул мукофоти маблағларини маҳалла фуқаролар йиғинларининг тижорат банкида очилган ҳисоб рақамига ўтказиш ҳамда маҳалла ҳудудини ободонлаштириш, спорт майдончаларини ташкил этиш ва уларни жиҳозлаш, спорт тадбирларини ўтказиш мақсадларига истисно тариқасида тендер савдоларисиз йўналтириш.	Танлов натижаларига кўра Танлов якунлангандан сўнг	“Маҳалла” хайрия жамоат фонди маблағлари	ва спорт вазирлиги *(Д.Набиев)*, “Маҳалла” хайрия жамоат фонди *(келишув асосида)*
III. Аҳоли турли гуруҳларининг соғлом овқатланишга бўлган эҳтиёжларини қондириш учун шарт-шароитлар яратиш					
12.	Таркибида туз, қанд, ёғ миқдори кўп бўлган ҳамда хамирли таом ва ширинликларни, нон маҳсулотларини кам истеъмол қилган оилаларга преференциялар беришни жорий қилиш.	Таркибида туз, қанд, ёғ миқдори кўп бўлган ҳамда хамирли таом ва ширинликларни, нон маҳсулотларини кам истеъмол қилган оилаларга преференциялар бериш тартибини тасдиқлашни назарда тутувчи Ҳукумат қарори лойиҳасини белгиланган тартибда Вазирлар Маҳкамасига киритиш.	2021 йил 1 январь	–	Молия вазирлиги *(Т.Ишметов)*, Соғлиқни сақлаш вазирлиги *(А.Шадманов)*, манфаатдор вазирлик ва идоралар

ҚҲММБ: 06/20/6099/1450-сон
31.10.2020 й.

Т/р	Тадбир номи	Амалга ошириш механизми	Ижро муддати	Молиялаштириш манбалари	Масъул ижрочилар
13.	Тиббиёт ходимларининг диетология соҳасида билимларини ошириш ва кунлик овқатланиш меъёрларини ишлаб чиқиш.	1. Тиббиёт ходимлари томонидан болаларнинг соғлиғини инобатга олган ҳолда, жисмоний тарбия билан шуғулланиши устидан назорат ўрнатиш ва болаларнинг саломатлиги асосида тиббий-соғломлаштириш гуруҳларига ажратилиши ва шунга қараб жисмоний чиниқтириш миқдорини белгилашни таъминлаш. 3. Болаларнинг жисмоний ривожланишини баҳолаш учун рақамлаштирилган дастур ёрдамида мониторинг қилиш тизимини ишлаб чиқиш.	2021 йил 1 март 2021 йил 1 январь	–	Соғлиқни сақлаш вазирлиги *(А.Шадманов)*, Мактабгача таълим вазирлиги *(А.Шин)*, Халқ таълими вазирлиги *(Ш.Шерматов)*, Инновацион ривожланиш вазирлиги *(И.Абдурахмонов)*
IV. Санитария-гигиена қоидаларига риоя этилишини соғлом турмуш тарзининг ажралмас қисми сифатида тарғиб қилиш					
14.	Таълим муассасаларини, хусусан мактабгача таълим, умумтаълим муассасаларини тоза ичимлик суви билан таъминлаш.	Тоза ичимлик суви билан таъминлаш дастурлари доирасида таълим муассасаларини, хусусан мактабгача таълим, умумтаълим муассасаларини тоза ичимлик суви билан таъминлаб бориш чораларини кўриш.	2021-2025 йиллар	Мазкур йўналишга ажратилган маблағлар доирасида	Уй-жой коммунал хизмат кўрсатиш вазирлиги *(М.Салиев)*, Халқ таълими вазирлиги *(Ш.Шерматов)*, Қурилиш вазирлиги *(Б.Закиров)*, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари
15.	Таълим муассасаларида мавжуд ва уларга	Мактабгача таълим ташкилотларининг тиббиёт ходимлари ҳамда туман (шаҳар) кўп	Доимий	–	Соғлиқни сақлаш вазирлиги

ҚҲММБ: 06/20/6099/1450-сон
31.10.2020 й.

Т/р	Тадбир номи	Амалга ошириш механизми	Ижро муддати	Молиялаштириш манбалари	Масъул ижрочилар
	бириктирилган тиббиёт ходимлари томонидан болаларнинг соғлиғи ва жисмоний камолотини доимий назорат қилиб бориш.	тармоқли марказий поликлиникаларидан умумтаълим мактабларига бириктирилган тиббиёт ходимлари томонидан болалар ва ўқувчилар ҳамда муассаса ходимларининг соғлиғи ва жисмоний камолоти доимий равишда назоратга олинишини, даволаш-профилактика тадбирлари ўтказилиши, санитария-гигиена нормаларига, овқатланиш режими ва сифатига риоя этилишини таъминлаш.			*(А.Шадманов)*, Мактабгача таълим вазирлиги *(А.Шин)*, Халқ таълими вазирлиги *(Ш.Шерматов)*
V. Мактабгача таълим, умумтаълим, ўрта махсус, профессионал ва олий таълим муассасаларида, корхона, ташкилот ва бошқа турдаги барча муассасаларда жисмоний тарбия ва спорт билан шуғулланиш учун замонавий моддий-техника базасини шакллантириш					
16.	Умумтаълим мактабларининг спорт заллари ва жисмоний тарбия ва спорт муассасаларининг моддий-техника базасини яхшилаш.	1. 2022-2023 йилларга мўлжалланган умумтаълим мактабларини тўлиқ спорт заллари билан таъминлаш, ҳар бир туман(шаҳар)да тўлиқ моддий-техника базасига эга бўлган болалар-ўсмирлар спорт мактабларини ва бошқа жисмоний тарбия ва спорт муассасаларининг спорт иншоотларини қуриш ва жиҳозлаш дастурини ишлаб чиқиш ва тасдиқлаш учун Вазирлар Маҳкамасига киритиш. 2. Келгуси йилларда умумтаълим мактаблари спорт заллари, болалар-ўсмирлар спорт мактаблари ва жисмоний тарбия ва спорт муассасаларининг спорт иншоотларини қуриш параметрларини сезиларли ошириб бориш.	2021 йил 1 апрель	Инвестиция дастури доирасида	Халқ таълими вазирлиги *(Ш.Шерматов)*, Жисмоний тарбия ва спорт вазирлиги *(Д.Набиев)*

ҚҲММБ: 06/20/6099/1450-сон
31.10.2020 й.

Т/р	Тадбир номи	Амалга ошириш механизми	Ижро муддати	Молиялаштириш манбалари	Масъул ижрочилар
17.	Мактабгача таълим, умумтаълим ва спорт таълим муассасаларини бирламчи спорт жиҳозлари ва анжомлари билан таъминлаш.	Давлат мактабгача таълим, умумтаълим ва спорт таълим муассасаларини бирламчи спорт жиҳозлари ва анжомлари билан таъминлаш, бунда 2021 йилда ҳар бир: давлат мактабгача таълим ташкилотига 2 млн сўмдан; давлат умумтаълим муассасасига 5 млн сўмдан ажратиш.	2021 йил	Давлат бюджети маблағлари	Молия вазирлиги *(Т.Ишметов)*, Мактабгача таълим вазирлиги *(А.Шин)*, Халқ таълими вазирлиги *(Ш.Шерматов)*, Жисмоний тарбия ва спорт вазирлиги *(Д.Набиев)*
18.	Кўп қаватли турар жойлар, маҳаллалар, қишлоқлар, туманлар ва шаҳарларни боғловчи автомобиль йўллари, аҳоли юриши учун мўлжалланган йўлакларни ташкил этиш.	Ҳудудларда янгидан барпо этилаётган кўп қаватли турар жойларни қуриш бўйича тасдиқланган амалдаги шаҳарсозлик нормаларига қуйидагиларни назарда тутувчи қўшимча ва ўзгартиришлар киритиш: аҳоли сони ва уй-жойларнинг жойлашувини инобатга олган ҳолда, шунингдек, ташкилот ва идораларнинг тегишли ҳудудларида велосипед турар жойлари ва замонавий спорт майдончаларини (шу жумладан Workout) ташкил этиш; маҳаллалар, қишлоқлар, туманлар ва шаҳарларни боғловчи автомобиль йўллари, пиёда ҳамда велосипед юриши учун мўлжалланган “Саломатлик йўлаклари”ни қуриш; автомобиль қатнови юқори бўлган ва катта йўл кесишмаларида аҳолига қулай ўтиш жойларини барпо этиш.	2021 йил 1 январь	–	Қурилиш вазирлиги *(Б.Закиров)*, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари

ҚҲММБ: 06/20/6099/1450-сон
31.10.2020 й.

Т/р	Тадбир номи	Амалга ошириш механизми	Ижро муддати	Молиялаштириш манбалари	Масъул ижрочилар
19.	Ёшларда, хусусан боғча ёшидаги болаларда жисмоний тарбия ва спорт тушунчасини пайдо қилиш ва уларни спортга қизиқтириш чораларини кўриш.	Қуйидаги телекўрсатувлар намойиш этишни таъминлаш: Ёшларда, хусусан боғча ёшидаги болаларда жисмоний тарбия ва спорт тушунчасини пайдо қилиш ва уларни қизиқтириш мақсадида "Болаликдан спортга", "Тонгги гимнастика", умумтаълим мактабларида "Биз билан бажар, биздек бажар, биздан яхшироқ бажар!", "Қувноқ стартлар" синфлараро, "Катта ёшдагилар учун аэробика", "Бошланғич йога машғулотлари", "Ортиқча вазндан воз кеч!" каби спорт машғулотларини ҳамда оилалар ўртасида ўтказиладиган "Отам, онам ва мен – спортчилар оиласи!" телевизион спорт мусобақалари; барча телеканаллар, шу жумладан хусусий телеканаллар эфирида ҳар куни уч марта (соат 7:00, 12:00 ва 17:00 да) нуфузли спорт мусобақалари ғолиб ва совриндорлари иштирокидаги 5 дақиқадан иборат оммавий бадантарбия машғулотлари; аёллар ва кексалар учун соғлом турмуш тарзини тарғиб этиш бўйича "Соғлом турмуш" кўрсатувлари.	Доимий	–	Миллий телерадиокомпания *(А.Ходжаев)*, Ўзбекистон электрон оммавий ахборот воситалари миллий ассоциацияси *(Ф.Абдухаликов)*, Мактабгача таълим вазирлиги *(А.Шин)*, Халқ таълими вазирлиги *(Ш.Шерматов)*, Жисмоний тарбия ва спорт вазирлиги *(Д.Набиев)*
VI. Жисмоний тарбия ва спорт соҳасида илмий салоҳиятга эга бўлган кадрлар тайёрлаш					
20.	Жисмоний тарбия ва спорт соҳасида илмий	1. Жисмоний тарбия ва спорт соҳасини ривожлантиришга ва соҳадаги муаммоларнинг илмий ечимини таъминлашга қаратилган лойиҳалар	2021 йилдан бошлаб ҳар йили	Грант маблағлари	Инновацион ривожланиш вазирлиги

ҚҲММБ: 06/20/6099/1450-сон
31.10.2020 й.

Т/р	Тадбир номи	Амалга ошириш механизми	Ижро муддати	Молиялаштириш манбалари	Масъул ижрочилар
	салоҳиятга эга бўлган кадрлар улушини ошириш.	танловларини мунтазам эълон қилинишини назарда тутиш. 2. Жисмоний тарбия ва спорт соҳасида илмий салоҳиятга эга бўлган кадрлар улушини ошириш мақсадида таянч докторантура ва докторантура умумий қабул квотаси доирасида Жисмоний тарбия ва спорт вазирлиги тизимидаги олий таълим муассасаларига камида 10 та ўрин ажратиш.			*(И.Абдурахмонов)*, Жисмоний тарбия ва спорт вазирлиги *(И.Абдурахмонов)*
21.	Миллий спорт турлари ҳамда халқ ўйинлари тарихини ўрганиш.	Республика ҳудудларида экспедиция ташкил қилган ҳолда миллий спорт турлари ҳамда халқ ўйинлари тарихини ўрганиш асосида "Ўзбекистон Республикаси миллий спорт турлари ва халқ ўйинлари энциклопедияси"ни тайёрлаш ва чоп этиш тўғрисидаги Ҳукумат фармойиш лойиҳасини ишлаб чиқиш ва киритиш.	2021 йил 1 сентябрь	Вазирлар Маҳкамасининг захира жамғармаси	Жисмоний тарбия ва спорт вазирлиги *(Д.Набиев)*, Молия вазирлиги *(Т.Ишметов)*, Фанлар академияси *(Б.Юлдашев)*, Ўзбекистон Полвонлар миллий маркази

Изоҳ: норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар тегишли ҳуқуқий муносабатларни тартибга солиш соҳаси ва предметига қараб қайта кўриб чиқилиши ёки бир ҳужжатга бирлаштирилиши мумкин.

ҚҲММБ: 06/20/6099/1450-сон
31.10.2020 й.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг
2020 йил 30 октябрдаги ПФ–6099-сон Фармонига
2-илова

Ўзбекистон Республикаси Президентининг айрим ҳужжатларига киритилаётган ўзгартириш ва қўшимчалар

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 25 январдаги "Умумий ўрта, ўрта махсус ва касб-ҳунар таълими тизимини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги ПФ–5313-сон Фармони 1-бандининг иккинчи хатбошисидан ", ихтисослаштирилган олимпия захиралари мактаб-интернатларида" сўзлари чиқариб ташлансин.

2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 5 мартдаги "Жисмоний тарбия ва спорт соҳасида давлат бошқаруви тизимини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги ПФ–5368-сон Фармонида:

а) 1-бандининг учинчи хатбошисидаги "Жисмоний тарбия ва спорт соҳасида мониторинг" сўзлари "Ички аудит ва молиявий назорат" сўзлари билан алмаштирилсин;

б) илованинг 21-позицияси "Ижро муддати" устунидаги "2020" рақами "2021" рақами билан алмаштирилсин.

3. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 26 августдаги "Жисмоний тарбия ва спорт объектларини қуриш, реконструкция қилиш, капитал таъмирлаш ва жиҳозлаш ишларини молиялаштириш тартибини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги ПФ–5787-сон Фармони 6-бандида:

қуйидаги мазмундаги олтинчи хатбоши билан тўлдирилсин:

"спорт лотереяларини ташкил этиш ва юридик шахслар томонидан спорт лотереяларини ўтказишдан олинган даромаднинг 10 фоизигача бўлган қисми";

олтинчи – саккизинчи хатбошилар тегишинча еттинчи – тўққизинчи хатбошилар деб ҳисоблансин.

4. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 4 декабрдаги "Ўзбекистонда футболни ривожлантиришни мутлақо янги босқичга олиб чиқиш чора-тадбирлари тўғрисида"ги ПФ–5887-сон Фармонига 3-иловада:

ҚҲММБ: 06/20/6099/1450-сон
31.10.2020 й.

20, 21, 28 ва 48-позицияларнинг “Амалга ошириш муддати” устунидаги “февраль” сўзи “ноябрь” сўзи билан алмаштирилсин;

27-позициянинг “Амалга ошириш муддати” устунидаги “май” сўзи “ноябрь” сўзи билан алмаштирилсин.

5. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 24 январдаги “Ўзбекистон Республикасида жисмоний тарбия ва спортни янада такомиллаштириш ва оммалаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ–5924-сон Фармонида:

а) 9-банднинг бешинчи хатбошисидаги “бир ой муддатда” сўзлари “2020 йил 1 сентябрга қадар” сўзлари билан алмаштирилсин;

б) 16-банднинг учинчи хатбошисидаги “бир ой муддатда” сўзлари “2020 йил 1 октябрга қадар” сўзлари билан алмаштирилсин;

в) 3-иловада:

2-позиция чиқариб ташлансин;

8-позициянинг “Ижро муддати” устунидаги “июнга” сўзи “ноябрга” сўзи билан алмаштирилсин;

11-позицияда:

“Амалга ошириш механизми” устунидаги 2-банд ўз кучини йўқотган деб топилсин;

“Ижро муддати” устунидан “1 майга қадар” сўзлари чиқариб ташлансин;

15-позициянинг “Ижро муддати” устунидаги “1 майга қадар” сўзлари “1 декабрга қадар” сўзлари билан алмаштирилсин;

22-позиция чиқариб ташлансин.

6. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 2 мартдаги ПФ–5953-сон Фармони билан тасдиқланган 2017–2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясини “Илм, маърифат ва рақамли иқтисодиётни ривожлантириш йили”да амалга оширишга оид давлат дастурида:

а) 231-позиция ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин;

б) 232-позициядаги “Ҳужжат шакли, амалга ошириш механизми, кутилаётган натижа” устуннинг учинчи хатбошисидан “ҳамда Жисмоний тарбия ва спорт вазирлиги ҳузуридаги Жисмоний тарбия ва спорт бўйича мутахассисларни илмий-методик таъминлаш, қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш марказини университет тасарруфига бериш” сўзлари чиқариб ташлансин.

ҚҲММБ: 06/20/6099/1450-сон
31.10.2020 й.

7. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 5 октябрдаги "Рақамли Ўзбекистон-2030" стратегиясини тасдиқлаш ва уни самарали амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги ПФ-6079-сон Фармонининг 18-иловаси 10-позициясида:

а) "Чора-тадбирлар" устунидаги "ишлаб чиқиш" сўзлари "жорий этиш" сўзлари билан алмаштирилсин;

б) "Амалга ошириш босқичлари" устунидаги 2-кичик банди қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

"2. Лойиҳа ижрочиларини аниқлаш бўйича тендер (танлов) савдоларини ўтказиш".

8. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2009 йил 1 декабрдаги "Саноат кооперацияси асосида тайёр маҳсулотлар, бутловчи буюмлар ва материаллар ишлаб чиқаришни маҳаллийлаштиришни чуқурлаштиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги ПҚ–1236-сон қарорига 3-иловада:

ўн еттинчи хатбоши чиқариб ташлансин;

ўн саккизинчи-ўн тўққизинчи хатбошилар тегишинча ўн еттинчи-ўн саккизинчи хатбошилар деб ҳисоблансин.

9. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2009 йил 30 декабрдаги "Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ҳузуридаги бюджетдан ташқари Пенсия жамғармасининг ташкилий тузилмасини шакллантириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги ПҚ–1252-сон қарорига 2-илованинг рус тилидаги матнидаги "Начальник управления учета и управления средствами Пенсионного фонда" блоки "Заместитель исполнительного директора" блоки билан алмаштирилсин.

10. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2015 йил 23 ноябрдаги "Олий маҳорат спорт мактабларини ташкил этиш тўғрисида"ги ПҚ–2438-сон қарорига 2-илованинг 3-позицияси рус тилидаги матнида "Ответственные исполнители" устунидан "Фонд развития физической культуры и спорта" сўзлари чиқариб ташлансин.

11. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2016 йил 27 декабрдаги "Ўзбекистон Республикасининг 2017 йилги асосий макроиқтисодий кўрсаткичлари прогнози ва давлат бюджети параметрлари тўғрисида"ги ПҚ–2699-сон қарори 22-бандида:

учинчи хатбоши чиқариб ташлансин;

тўртинчи хатбоши учинчи хатбоши деб ҳисоблансин.

ҚҲММБ: 06/20/6099/1450-сон
31.10.2020 й.

12. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 9 мартдаги “Ўзбекистон спортчиларини 2020 йил Токио (Япония) шаҳрида бўлиб ўтадиган XXXII ёзги Олимпия ва XVI Паралимпия ўйинларига тайёрлаш тўғрисида”ги ПҚ–2821-сон қарори 1-иловасининг рус тилидаги матнида 6, 7 ва 9-позициядаги “Наименование мероприятий” ва “Срок исполнения” устунларидаги “2020” рақами “2021” рақами билан алмаштирилсин.

13. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 3 июндаги “Жисмоний тарбия ва оммавий спортни янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ–3031-сон қарорида:

а) 3-бандда:

иккинчи ва учинчи хатбошилар чиқариб ташлансин;

тўртинчи – олтинчи хатбошилар тегишинча иккинчи – тўртинчи хатбошилар деб ҳисоблансин;

б) 1-иловада:

13-позицияда:

“Молиялаштириш манбалари” устунидаги “Жисмоний тарбия ва спортни ривожлантириш жамғармаси маблағлари” сўзлари “Ўзбекистон Республикаси Инвестиция дастурлари доирасида Давлат бюджети маблағлари” сўзлари билан алмаштирилсин;

“Ижро учун масъуллар” устунидан “Жисмоний тарбия ва спортни ривожлантириш жамғармаси” сўзлари чиқариб ташлансин;

19-позициянинг “Молиялаштириш манбалари” устунидаги “Жисмоний тарбия ва спортни ривожлантириш жамғармаси маблағлари” сўзлари “Ўзбекистон Республикаси Инвестиция дастурлари доирасида Давлат бюджети маблағлари” сўзлари билан алмаштирилсин;

24, 70 ва 71-позициялардаги “Ижро учун масъуллар” устунидан “Жисмоний тарбия ва спортни ривожлантириш жамғармаси” сўзлари чиқариб ташлансин.

14. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 5 мартдаги “Ўзбекистон Республикаси Жисмоний тарбия ва спорт вазирлигини ташкил этиш тўғрисида”ги ПҚ–3583-сон қарорида:

1-банди тўққизинчи хатбошисидаги “Ўзбекистон Республикаси Жисмоний тарбия ва спорт вазирига, зарур ҳолларда, жисмоний тарбия ва спорт органларининг ташкилий-штат тузилмасига белгиланган сон доирасида” сўзларидан кейин “Бош вазирнинг тегишли ўринбосари билан келишилган ҳолда” сўзлари қўшилсин.

а) 1-илованинг матни қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

ҚҲММБ: 06/20/6099/1450-сон
31.10.2020 й.

“Ўзбекистон Республикаси Жисмоний тарбия ва спорт вазирлигининг ташкилий
ТУЗИЛМАСИ

Ўзбекистон Республикаси
Жисмоний тарбия ва спорт вазирлиги

- Ўзбекистон давлат жисмоний тарбия ва спорт университети
- Ўзбекистон давлат жисмоний тарбия ва спорт университетининг Нукус филиали
- “Россия давлат жисмоний тарбия, спорт, ёшлар ва туризм университети” федерал давлат бюджети олий таълим муассасасининг Самарқанд филиали
- “Спорт объектлари инфратузилмасини ривожлантириш бўйича инжиниринг компанияси” давлат унитар корхонаси
- “Сертификатлаштириш ва компьютерлаштириш маркази” давлат корхонаси , “Жисмоний тарбия ва спорт” стандартлаштириш бўйича техник қўмита
- Жисмоний тарбия ва спорт вазирлиги ҳузуридаги Жисмоний тарбия ва спорт илмий-методик таъминлаш, мутахассисларни қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш маркази ҳамда унинг Самарқанд, Фарғона ва Нукус филиаллари
- Олимпия шон-шуҳрати музейи, “Спорт медиа маркази” давлат корхонаси
- Спорт якка курашлари, спорт ўйинлари, спортнинг қишки ва мураккаб техник турлари, гимнастика, сув спорти, енгил атлетика турлари бўйича Республика олий спорт маҳорати мактаблари;
  - Республика ўсмирлар олий спорт маҳорати мактаби;
  - Гимнастика бўйича ихтисослаштирилган олимпия захиралари болалар-ўсмирлар спорт мактаби;
  - Республика олимпия захиралари теннис мактаби;
  - Спортнинг эшкак эшиш турлари бўйича ихтисослаштирилган олимпия захиралари республика болалар-ўсмирлар спорт мактаби;
  - Сув спорти турлари бўйича ихтисослаштирилган олимпия захиралари республика болалар-ўсмирлар спорт мактаби;
  - Сув спорти турларини ривожлантириш республика маркази;
  - Республика олимпия захиралари коллежи
- Қорақалпоғистон Республикаси Жисмоний тарбия ва спорт вазирлиги, вилоятлар ва Тошкент шаҳар жисмоний тарбия ва спорт бошқармалари
- Туман (шаҳар) жисмоний тарбия ва спорт бўлимлари
- Олий спорт маҳорати мактаблари
- Олимпия захиралари коллежлари
- Уйчи жисмоний тарбия ва спорт техникуми
- Футбол маҳорати мактаблари
- Спорт турлари бўйича ихтисослаштирилган давлат мактаб-интернатлари
- Спорт турлари бўйича ихтисослаштирилган болалар-ўсмирлар спорт мактаблари
- Болалар-ўсмирлар спорт мактаблари

”;

ҚҲММБ: 06/20/6099/1450-сон
31.10.2020 й.

б) 2-илованинг матни қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

“Ўзбекистон Республикаси Жисмоний тарбия ва спорт вазирлиги марказий аппаратининг ТУЗИЛМАСИ



Бошқарув ходимларининг чекланган умумий сони – 55 нафар”;

ҚҲММБ: 06/20/6099/1450-сон
31.10.2020 й.

в) 3-илованинг матни қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

“Қорақалпоғистон Республикаси Жисмоний тарбия ва спорт вазирлигининг ТУЗИЛМАСИ



Бошқарув ходимларининг чекланган умумий сони – 17 нафар”;

ҚҲММБ: 06/20/6099/1450-сон
31.10.2020 й.

г) 4-илованинг матни қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

“Вилоятлар ва Тошкент шаҳар жисмоний тарбия ва спорт бошқармаларининг НАМУНАВИЙ ТУЗИЛМАСИ



Бошқарув ходимларининг жами штатлар сони 14-16 нафар кишини ташкил этади”;

ҚҲММБ: 06/20/6099/1450-сон
31.10.2020 й.

д) 5-илованинг матни қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

“Туман (шаҳар) жисмоний тарбия ва спорт бўлимларининг НАМУНАВИЙ ТУЗИЛМАСИ



Бошқарув ходимларининг чекланган умумий сони - 3-4 нафар.

**) ушбу қарорнинг 7-иловасига мувофиқ 1-тоифали туман (шаҳар)ларда оммавий спортни ривожлантириш ва жисмоний тарбия-спорт тадбирларини ташкил этиш бўйича бош инспектор лавозими назарда тутилган*”;

е) 6-илованинг матни қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

“Ўзбекистон Республикаси Жисмоний тарбия ва спорт вазирлиги ҳудудий бўлинмалари бошқарув ходимларининг ЧЕКЛАНГАН СОНИ

Т/р	Ҳудудлар	Бошқарув ходимларининг умумий чекланган сони	жумладан:	
			Қорақалпоғистон Республикаси Жисмоний тарбия ва спорт вазирлиги, вилоятлар ва Тошкент шаҳар жисмоний тарбия ва спорт бошқармаларида	Туман (шаҳар) жисмоний тарбия ва спорт бўлимларида
1.	Қорақалпоғистон Республикаси	76	17	59
2.	Андижон вилояти	69	14	55
3.	Бухоро вилояти	58	14	44
4.	Жиззах вилояти	58	14	44
5.	Қашқадарё вилояти	69	14	55
6.	Навоий вилояти	50	14	36
7.	Наманган вилояти	57	14	43

ҚҲММБ: 06/20/6099/1450-сон
31.10.2020 й.

8.	Самарқанд вилояти	73	15	58
9.	Сирдарё вилояти	52	14	38
10.	Сурхондарё вилояти	66	14	52
11.	Тошкент вилояти	92	16	76
12.	Фарғона вилояти	81	15	66
13.	Хоразм вилояти	59	14	45
14.	Тошкент шаҳри	60	16	44
Жами:		**920**	**205**	**715**

”;

ж) 7-илованинг матни қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

“Жисмоний тарбия ва спорт бўлимлари ходимларининг чекланган сонидан келиб чиққан ҳолда тоифаланган шаҳарлар – вилоят марказлари, туман (шаҳар)лар
РЎЙХАТИ

Т/р	Ҳудудлар	Туманлар ва шаҳарлар	
		1-тоифа	**2-тоифа**
1.	Қорақалпоғистон Республикаси	Нукус шаҳри Қўнғирот тумани Хўжайли тумани Беруний тумани Тўрткўл тумани Чимбой тумани Элликқалъа тумани Амударё тумани	Шуманай тумани Қонликўл тумани Кегейли тумани Бўзатов тумани Мўйноқ тумани Қораўзак тумани Тахтакўпир тумани Нукус тумани Тахиатош тумани
2.	Андижон вилояти	Андижон шаҳри Қўрғонтепа тумани Шаҳрихон тумани Андижон тумани Жалақудуқ тумани Избоскан тумани Марҳамат тумани	Хонобод шаҳри Асака тумани Балиқчи тумани Бўстон тумани Булоқбоши тумани Пахтаобод тумани Олтинкўл тумани Хўжаобод тумани Улуғнор тумани
3.	Бухоро вилояти	Бухоро шаҳри Ғиждувон тумани Ромитан тумани Қоракўл тумани Шофиркон тумани	Когон шаҳри Жондор тумани Пешку тумани Олот тумани Бухоро тумани Вобкент тумани Когон тумани Қоровулбозор тумани
4.	Жиззах вилояти	Жиззах шаҳри Зомин тумани Дўстлик тумани Ғаллаорол тумани Фориш тумани	Бахмал тумани Ш.Рашидов тумани Пахтакор тумани Мирзачўл тумани Арнасой тумани

ҚҲММБ: 06/20/6099/1450-сон
31.10.2020 й.

			Зарбдор тумани Зафаробод тумани Янгиобод тумани
5.	Қашқадарё вилояти	Қарши шаҳри Шаҳрисабз тумани Нишон тумани Муборак тумани Миришкор тумани Чироқчи тумани Ғузор тумани Яккабоғ тумани Косон тумани Қамаши тумани	Шаҳрисабз шаҳри Қарши тумани Китоб тумани Деҳқонобод тумани Касби тумани
6.	Навоий вилояти	Навоий шаҳри Зарафшон шаҳри Учқудуқ тумани Қизилтепа тумани Хатирчи тумани Кармана тумани	Конимех тумани Навбаҳор тумани Нурота тумани Томди тумани
7.	Наманган вилояти	Наманган шаҳри Косонсой тумани Норин тумани Учқўрғон тумани Чуст тумани Поп тумани Тўрақўрғон тумани	Чортоқ тумани Мингбулоқ тумани Наманган тумани Уйчи тумани Янгиқўрғон тумани
8.	Самарқанд вилояти	Самарқанд шаҳри Каттақўрғон шаҳри Ургут тумани Нарпай тумани Жомбой тумани Самарқанд тумани Иштихон тумани Пайариқ тумани Пастдарғом тумани Каттақўрғон тумани	Булунғур тумани Нуробод тумани Пахтачи тумани Оқдарё тумани Қўшрабод тумани Тойлоқ тумани
9.	Сирдарё вилояти	Гулистон шаҳри Сирдарё тумани Боёвут тумани Сайхунобод тумани Ховос тумани	Ширин шаҳри Янгиер шаҳри Сардоба тумани Оқолтин тумани Гулистон тумани Мирзаобод тумани
10.	Сурхондарё вилояти	Термиз шаҳри Денов тумани Шўрчи тумани Шеробод тумани Жарқўрғон тумани Сариосиё тумани Музрабод тумани	Қумқўрғон тумани Узун тумани Ангор тумани Бойсун тумани Қизириқ тумани Олтинсой тумани Термиз тумани Бандихон тумани

ҚҲММБ: 06/20/6099/1450-сон
31.10.2020 й.

11.	Тошкент вилояти	Нурафшон шаҳри Олмалиқ шаҳри Ангрен шаҳри Бекобод шаҳри Чирчиқ шаҳри Бўстонлиқ тумани Қибрай тумани Зангиота тумани Ўрта Чирчиқ тумани Янгийўл тумани	Оҳангарон шаҳри Янгийўл шаҳри Оҳангарон тумани Оққўрғон тумани Бекобод тумани Бўка тумани Қуйи Чирчиқ тумани Паркент тумани Пискент тумани Чиноз тумани Юқори Чирчиқ тумани Тошкент тумани
12.	Фарғона вилояти	Фарғона шаҳри Қўқон шаҳри Марғилон шаҳри Қува тумани Бағдод тумани Бешариқ тумани Ўзбекистон тумани Тошлоқ тумани Учкўприк тумани	Қувасой шаҳри Бувайда тумани Данғара тумани Олтиариқ тумани Қўштепа тумани Риштон тумани Фарғона тумани Ёзёвон тумани Сўх тумани Фурқат тумани
13.	Хоразм вилояти	Урганч шаҳри Ҳазорасп тумани Хива тумани Хонқа тумани Боғот тумани Шовот тумани	Хива шаҳри Урганч тумани Қўшкўпир тумани Гурлан тумани Янгиариқ тумани Янгибозор тумани Тупроққалъа тумани
14.	Тошкент шаҳри	Олмазор тумани Бектемир тумани Миробод тумани М.Улуғбек тумани Сергели тумани Учтепа тумани Чилонзор тумани Шайхонтоҳур тумани Юнусобод тумани Яккасарой тумани Яшнобод тумани	
Жами		**106**	**97**

1-тоифа – 4 нафар штат бирлиги сони белгиланади (бошлиқ – 1, спортни ривожлантириш ва саралаш (селекция) бўйича бош инспектор – 1, оммавий спортни ривожлантириш ва жисмоний тарбия-спорт тадбирларини ташкил этиш бўйича бош инспектор – 1, бош бухгалтер – 1);

2-тоифа – 3 нафар штат бирлиги сони белгиланади (бошлиқ – 1, спортни ривожлантириш ва саралаш (селекция) бўйича бош инспектор – 1, бош бухгалтер – 1);

жами 715 та штат бирлиги (бошлиқ **– 203** нафар, спортни ривожлантириш ва саралаш (селекция) бўйича бош инспектор **– 203** нафар, оммавий спортни ривожлантириш ва жисмоний тарбия-спорт тадбирларини ташкил этиш бўйича бош инспектор – 106 нафар, бош бухгалтер **– 203** нафар).

Бунда мазкур бандга асосан бошқарув ходимларининг чекланган сонига киритилган ўзгартиришлар билан боғлиқ қўшимча харажатлар Ўзбекистон Республикаси Жисмоний тарбия ва спорт вазирлигига ажратилган маблағлар доирасида амалга оширилади”.

ҚҲММБ: 06/20/6099/1450-сон
31.10.2020 й.

15. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 16 мартдаги “Футболни янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ–3610-сон қарорида:

а) 3-банднинг учинчи хатбошисидан “Ўзбекистон Республикаси Жисмоний тарбия ва спорт вазирлиги ҳузуридаги Жисмоний тарбия ва спортни ривожлантириш жамғармаси,” сўзлари чиқариб ташлансин;

б) 9-бандда:

тўртинчи хатбоши чиқариб ташлансин;

бешинчи хатбоши тўртинчи хатбоши деб ҳисоблансин;

в) 10-банднинг учинчи хатбошиси “Ўзбекистон Республикасида ишлаб чиқарилмайдиган спорт асбоб-ускуналари, инвентарлари” сўзларидан кейин “, футбол (футзал) майдонлари учун сунъий ўтлар, шокпад, гранулалар, махсус елим” сўзлари билан тўлдирилсин;

г) иловада:

9, 10, 12, 23, 24, 27, 28 ва 40-позицияларнинг “Молиялаштириш манбаси” устунидаги “, Жисмоний тарбия ва спортни ривожлантириш жамғармаси” ва “Масъул ижрочилар” устунидаги “(Ш.Исраилов)”, “(А. Раматов)” сўзлари тегишинча “Ижрочиларнинг бюджет ва бюджетдан ташқари маблағлари”, “(Д.Набиев)”, “(А.Азизов)” сўзлари билан алмаштирилсин;

11-позициянинг “Тадбирнинг номи” устунидаги “академик лицей ва касб-ҳунар коллежлари”, “Молиялаштириш манбаси” устунидаги “, Жисмоний тарбия ва спортни ривожлантириш жамғармаси” ва “Масъул ижрочилар” устунидаги “(Ш.Исраилов)”, “(У.Иноятов)”, “(А.Раматов)” сўзлари тегишинча “академик лицей, профессионал таълим муассасаси”, “Ижрочиларнинг бюджет ва бюджетдан ташқари маблағлари”, “(Д.Набиев)”, “(Ш.Шерматов)”, “(А.Азизов)” сўзлари билан алмаштирилсин.

16. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 12 декабрдаги “Ёшларни ватанпарварлик руҳида ва жисмоний тарбиялаш ҳамда чақирилувчиларни ҳарбий-техник мутахассисликлар бўйича тайёрлаш тартибини такомиллаштириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПҚ–4061-сон қарорига 3-илованинг 10-позицияси “Молиялаштириш манбалари” устунидан “Жисмоний тарбия ва спортни ривожлантириш жамғармаси маблағлари,” сўзлари чиқариб ташлансин.

ҚҲММБ: 06/20/6099/1450-сон
31.10.2020 й.

17. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 18 февралдаги “Ўзбекистон Республикасида йилқичилик ва от спортини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ–4194-сон қарори 3-бандининг бешинчи хатбошисидаги “Ўзбекистон Республикаси Жисмоний тарбия ва спорт вазирлиги ҳузуридаги Жисмоний тарбия ва спортни ривожлантириш жамғармаси маблағлари” сўзлари “Ўзбекистон Республикасининг республика бюджети” сўзлари билан алмаштирилсин.

18. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 8 майдаги “Самарқанд шаҳрида “Россия давлат жисмоний тарбия, спорт, ёшлар ва туризм университети” федерал давлат бюджети олий таълим муассасасининг филиалини ташкил этиш тўғрисида”ги ПҚ–4311-сон қарорида:

5-банднинг “в” кичик бандидан “Ўзбекистон Республикаси Жисмоний тарбия ва спорт вазирлиги ҳузуридаги Жисмоний тарбия ва спортни ривожлантириш жамғармаси ҳамда” сўзлари чиқариб ташлансин;

6-банднинг олтинчи хатбошисидаги “Самарқанд ихтисослаштирилган олимпия захиралари мактаб-интернати” сўзлари “Самарқанд олимпия захиралари коллежи” сўзлари билан алмаштирилсин.

19. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 29 октябрдаги “Ўзбекистон Республикасида регби спорт турини ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ–4500-сон қарорида:

а) 1-банднинг “а” кичик банди ва 9-банднинг бешинчи хатбошисидаги “ихтисослаштирилган олимпия захиралари мактаб-интернатларида” сўзлари “олимпия захиралари коллежларида” сўзлари билан алмаштирилсин;

б) иловада:

44-позициянинг “Тадбирлар номи” устунидаги “Ихтисослаштирилган олимпия захиралари мактаб-интернатларида” сўзлари “Олимпия захиралари коллежларида” сўзлари билан алмаштирилсин;

45-позициянинг “Тадбирлар номи” устунидаги “олимпия захиралари ихтисослаштирилган мактаб-интернатини” сўзлари “олимпия захиралари коллежини” сўзлари билан алмаштирилсин.

O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI PREZIDENTI ADMINISTRATSIYASI
KANSELYARIYA
1